

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

21«10»2022 yil.

157-12-217-МТ/2022-son

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Хива шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги “14-сон мактабгача таълим ташкилоти”» номидан низом асосида иш юритувчи, рахбари М.Абдуллаева бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Soyot oq-qush” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи рахбари И.Озодов иккинчи томондан «Хива шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги “14-сон мактабгача таълим ташкилоти”» биносини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1.Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

- ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;
- курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;
- вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;
- беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «-----Хива шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги “14-сон мактабгача таълим ташкилоти”» кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.



3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **25 000 000 (Йигирма беш миллион)** сўмни ташкил этади:

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган сўммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига такдим килади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда такдим килади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.



## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

- Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 2022 йил «31» октябрда фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу **7 500 000 (Етти миллион беш юз минг)** сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг



Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варак-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадрвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг қечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар қурсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-қесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қурсатилган қамчиликларни 3 қун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ.**



31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга қечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.



37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қўрилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар қўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

42. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки қўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қўнунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

43. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар. бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

44. Тарафлар мазкур шартномани расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун доираси иш қўрадилар.

### **ХIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

45. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мувожат қилишлари мумкин.

### **ХV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

46. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йўқотади.

47. Пудратчи қўрилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рўхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

48. Мазкур шартномага қиритилган барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.



49. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

50. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.

51. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса кайта куриб чикилади.

52. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.

53. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ҳазначиликдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал килади.

54. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булиб 3 нусхада тузилди.

## **XVI. ТОМОНЛАРНИНГ ҚОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

55. Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш буйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар кабул килинишини кафолатлайди.

56. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар йузага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта оркали) ёки ишонч телефони оркали бир-бирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар йузага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига ега ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

57. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига ега ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

## **XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.**

### **ПУДРАТЧИ:**

“Соёт ок-куш” МЧЖ

Манзил: Урганч шаҳар А.Баходирхон кучаси

Тел/факс : 97-607-30-20

х/в : 20208000200461763001

Банк номи : АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК

644

### **БУЮРТМАЧИ:**

«Хоразм вилояти, Хива шаҳар МТБ  
(Марказлашган)»

Манзил: Хива шаҳар

Мевастон маҳалласи, А.Ғемур 31

Тел/факс:

х/в **100022860334067091100251015**

бюджетдан маблағ олувчи СТИР и **305 153**

БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ  
Газначилиги  
МФО : 01037 СТИР : 303318938

Газначилик бул номи: **Молия Вазирлиги**

Газна х/в **23402000300100001010**

ОКОНХ : \_\_\_\_\_

Банкнинг номи Марказий Банк Тошкент  
МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР и

201122919

Рахбар \_\_\_\_\_

(лавозим)



**И.Озодов**

(Ф.И.Ш)

М.\_\_\_\_\_


(Ф.И.Ш)



**М.Абдуллаева**

М.Ў.

М.Ў.

	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	MIYASSAR ABDULLAYEVA ATANAZAROVNA
	Imzolangan sana	25.10.2022 16:05
	Hujjat kodi	<b>VG7420284357</b>
	Hulosa kodi	<b>HM4257484542</b>



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

HM4257484542

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xiva shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 21.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**M.B.OTABOYEV**

25.10.2022



Хива шаҳар МТБ га қарашли 14-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш бўйича "SOYOT OQ-QUSH" МЧЖ ойлар давомида молиялаштириш графиги

2022 йил учун молиялаштириш қиймати  
(минг сум)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг қиймати	2022 йил учун молиялаштириш қиймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Хива шаҳар МТБ га қарашли 14-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари	25 000,000													25 000,000

25000000





Хива шаҳар МТБ га қарашли 14-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти Биносини жорий таъмирлаш буйича "SOYOT OQ-QUSH" МЧЖ  
ойлар давомида бажариш графиги

(Минг сум)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажми бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Хива шаҳар МТБ га қарашли 14-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти Биносини жорий таъмирлаш ишлари	25 000,000													25 000,000



*[Handwritten signature]*



*[Handwritten signature]*  
Пудратчи